

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ШАРИПОВ КОЗИМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ

**ТРУБКАЛИ ҚУРИЛМАЛАРДА УГЛЕВОДОРОД БУҒЛАРИНИНГ
КОНДЕНСАЦИЯСИ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шарипов Козимжон Комилжонович Қувурли қурилмаларда углеводород буғларининг конденсацияси жараёнини жадаллаштириш.....	3
Шарипов Козимжон Комилжонович Интенсификация процесса конденсации углеводородных паров в трубчатых аппаратах.....	21
Sharipov Kozimjon Komiljonovich Intensification of the condensation process of hydrocarbon vapors in tubular apparatus.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ШАРИПОВ КОЗИМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ

**ТРУБКАЛИ ҚУРИЛМАЛАРДА УГЛЕВОДОРОД БУҒЛАРИНИНГ
КОНДЕНСАЦИЯСИ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Т1912 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайбердиев Абсалом Абдурасулович
техника фанлари доктори, кат.ил.ход.

Расмий оппонентлар:

Рахмонов Тойир Зойирович
техника фанлари доктори, доцент

Жумаев Қаюм Каримович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчиташкилот:

Навоний давлат кончилиқ институти

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "10" сепар соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99865) 223-78-84, факс: (+99865) 223-78-84. E-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 363 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил "19" феврал куни тарқатилди.

(2022 йил "31" январдаги № 4 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Баракаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., кат.ил.ход.

Ш.М. Ходжиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва табиий газ энергия ва мотор ёнилғиси ишлаб чиқаришнинг асосий манбалари бўлиб, уларни қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотлар саноат тармоқлари, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва кундалик ҳаётда кенг қўлланилади. Ушбу ресурсларнинг аниқланган ҳажмлари чекланганлиги сабабдан суёқ углеводородларни қайта ишлашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш, нефтни ҳайдаш ускуналарининг жиҳозлари конструкциясини такомиллаштириш ва халқаро стандартларга монанд, экологик кўрсаткичлари яхшиланган нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда нефт хомашёсини чуқур қайта ишлашнинг янги, энергия ва ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва нефтни ҳайдаш ускуналари учун юқори самарали қурилмалар ишлаб чиқишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда углеводород хомашёсини ҳайдаш жараёнларини такомиллаштириш, кўп энергия талаб этувчи жараёнларни, шу жумладан, буғларни конденсациялаш пайтида кечадиган иссиқлик ва масса алмашилиш (ИМА) жараёнларини жадаллаштириш, углеводород хомашёси ва унинг фракциялари физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссаларини ҳисобга олиб, иситкич-конденсаторларнинг тезкор, ихчам конструкцияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда саноатнинг нефт-газ тармоғини модернизация қилишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Тармоқ корхоналарида хомашёни чуқур қайта ишлаш ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқариладиган нефт маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтириш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш борасида комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган юқори технологик тармоқларни илдам ривожлантириш асосида саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш йўли билан уни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, амалиётда ресурс ва энергиятежамкор технологияларни кенг жорий этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунга кўра технологик қурилмаларнинг самарали ишлашини таъминлаш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, нефт-газ саноати хомашёларни қайта ишлаш қурилмаларида углеводород буғларини конденсациялаш жараёнларини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган техника ва технологияларни кенг жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 19 апрелдаги ПҚ-2901-сон «Нефт-газ тармоғида лойиҳалаш ишларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ва 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефтни қайта ишлашга тайёрлаш, унга иссиқлик ишлови бериш ва ҳайдаш технологиялари ҳамда технологик жараёнлар ва жиҳозларни такомиллаштириш билан боғлиқ кенг кўламдаги илмий-техник муаммоларни ҳал этиш бўйича А.И. Александров, С.А. Ахмедов, А.Н. Плановский, А.И. Скобло, О.Ф. Глаголева, В.М. Капустин, А.К. Мановян, Н.Р. Юсупбеков, З. Салимов, Ш.М. Сайдахмедов, Б.Н. Хамидов, А. Артиков, И.М. Сайдахмедов, Ш.М. Гулямов, С.А. Абдурахимов, О.Р. Абдурахмонов, Т.З. Рахмонов, А.А. Худайбердиев ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан суюқ углеводородларни қайта ишлаш технологиялари такомиллаштирилган, технологик жараёнларнинг назарий асослари ривожлантирилган, жараёнларни жадаллаштириш усуллари ишлаб чиқилган, қурилмаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш услублари аниқлаштирилган, нефтни ҳайдаш жараёнида сув буғи ўрнига муқобил иссиқлик ташувчини қўллаш услуби асосланган, кўп компонентли суюқлик тизимларида ИМА жараёнлари моделлаштирилиб, тадқиқотлар натижалари нефтни қайта ишлаш ва турдош саноат тармоқларига кенг жорий этилган.

Шу билан бирга, айти пайтда, ёнилғи фракциялари буғлари иссиқлигидан фойдаланиб хомашёни ҳайдашга тайёрлашнинг энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш, ёнилғи фракциялари буғларини конденсациялаш ва дистиллятларни совутиш пайтида кечадиган ИМА жараёнларини жадаллаштириш, қурилмалар қувурлари оралиғидаги бўшлиқда айланувчи буғ оқимини конденсациялаш ва иссиқлик ташувчилар ҳароратини қувурлар узунлиги (баландлиги) бўйлаб тақсимланиши асосида оптимал ишчи юзали иссиқлик алмашгичларни лойиҳалаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё

институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ФА-А13-140 «Гидродинамик режимларни оптималлаштириш орқали углеводородли хом ашёларни бирламчи қиздириш жараёнларининг энергия тежовчи технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефтни қайта ишлаш корхоналари қувурли қурилмаларида углеводород буғларини конденсациялаш жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суяқлик ва буғ фазаларидаги иссиқлик ташувчилар (хомашё ва фракциялар дистиллатлари) физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссаларини $20\div 180^{\circ}\text{C}$ ҳароратларда ва $50\div 250$ кПа босимлардаги чегаравий қийматларини аниқлаш;

тажрибавий қобиқ-қувурли қурилмада углеводород ва сув буғларини конденсациялаш жараёнида иссиқлик ташувчилар ҳароратини қувурлар узунлиги (баландлиги) бўйлаб тақсимланиш қонуниятларини ўрганиш;

технологик параметрлар - қувурлардаги хом ашё ҳарорати ва сарфи ҳамда қувурлар оралиғидаги буғ ҳарорати, сарфи ва намлигини тажрибавий қувурли иссиқлик алмашиниш қурилмасидаги иссиқлик бериш (узатиш) самарадорлигига таъсирини ўрганиш;

углеводород ва сув буғлари қўлланилган ҳолатларда иссиқлик бериш (узатиш) коэффициентлари қийматларини таққослаш асосида тажрибавий қувурли қурилмада углеводород буғларини конденсациялаш жараёнида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш даражасини аниқлаш;

вертикал ва горизонтал қувурли қурилмаларда углеводород буғларини конденсациялаш жараёнининг рационал иссиқлик режимларини аниқлаш;

қувурли конденсаторларнинг оптимал иссиқлик узатиш юзасини аниқлаш мақсадида углеводород буғларининг конденсацияланиш ҳароратини тажриба аппарати қувурларининг узунлиги (баландлиги) бўйлаб тақсимланишини ўрганиш;

қувурли саноат конденсаторларида иссиқлик узатишни жадаллаштириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;

углеводород буғларини қобиқ-қувурли саноат аппаратида конденсациялаш жараёнининг иссиқлик ҳисобларини бажариш;

углеводород буғларини конденсациялаш пайтида иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг таклиф этилаётган усулининг техник-иқтисодий самарадорлигини нефтни қайта ишлаш заводи шароитида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нефт, газ конденсати, нефтегазоконденсат аралашмаси ва уларни ҳайдаш жараёнида ҳосил бўладиган ёнилғи фракцияларининг буғ ва суяқ ҳолатлардаги дистиллятлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини углеводород буғларининг конденсацияланиши пайтида нефт хомашёсига иссиқлик ишлови бериш жараёнлари ва қурилмалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда тажрибаларни режалаштириш, натижаларини компютерда қайта ишлаш, углеводород хомашёси ва фракциялар дистиллятларининг асосий хоссаларини аниқлаш, технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш ҳамда ўлчашнинг аниқ услублари ва замонавий ўлчов-назорат асбобларидан фойдаланиб тажрибалар ўтказишнинг умумқабул қилинган ва синалган усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқлик ташувчиларнинг (хомашё, фракциялар дистилляти ва буғлари) асосий физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссалари кўрсаткичларининг тажрибавий конденсатордаги иссиқлик бериш самарадорлигига таъсир даражаси аниқланган;

конденсацияланаётган углеводород буғлари ва қиздирилаётган хомашё ҳарорати, босими ва сарфини тажриба қурилмасининг қувурлари ва улар орасидаги бўшлиғида иссиқлик бериш самарадорлигига таъсири аниқланган;

қувурли конденсаторларнинг оптимал иссиқлик узатиш юзасини аниқлаш мақсадида углеводород буғларининг конденсацияланиш ҳарорати ва иссиқлик коэффициентларини тажриба қурилмаси қувурларининг узунлиги (баландлиги) бўйлаб тақсимланиш характери аниқланган;

тажриба қурилмасида иссиқлик узатишни жадаллаштириш даражаси унинг турли ҳароратдаги иш режимларида сув ва углеводород хом ашёси буғларининг конденсацияланиш иссиқликларига боғлиқлиги асосланган;

углеводород буғларини интенсив конденсацияланиши шароитида хомашёни қиздириш учун қобик-қувурли иссиқлик алмашгичнинг янги, қуйи қувурлар панжараси қия ишланган конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефтегазоконденсат хомашёси ва углеводородли иссиқлик ташувчиларнинг физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хосса кўрсаткичларини конденсатордаги ҳарорат ва босимга боғлиқ ўзгариш чегаралари белгиланган;

нефтегазоконденсат хомашёсини қувурли саноат қурилмаларида углеводород буғларининг конденсацияланиш иссиқлигидан фойдаланиб иситиш жараёнини энергиятежамкор жадаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

нефтегазоконденсат хомашёсини конденсацияланаётган углеводород буғлари иссиқлигидан фойдаланиб иситувчи қобик-қувурли иссиқлик алмашгични аниқлаштирилган ҳисоблаш ва лойиҳалаш услуби ишлаб чиқилган;

иссиқлик алмашгич-конденсаторнинг янги, қуйи қувурлар панжараси қия ишланган, гидродинамик ва иссиқлик кўрсаткичлари яхшиланган конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий натижаларни муаллиф ўтказган тажрибалари натижалари, адабиётларда келтирилган тажрибавий маълумотлар, адабий манбалардан фойдаланиб бажарилган назарий ҳисоблашлар натижалари ҳамда ўтказилган тадқиқотлар асосида

ҳисобланган ва лойиҳаланган иссиқлик алмашгич намунасини ярим саноат синовларида қўллаш натижалари билан ўзаро муносиблиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефтегазоконденсат аралашмасини конденсацияланаётган углеводород буғларидан фойдаланиб иситиш жараёнини жадаллаштириш услуги хамда иссиқлик ташувчилар физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссаларини эътиборга олиб, қобиқ-қувурли қурилмада буғларни конденсациялаш жараёнини аниқлаштирилган ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефтегазоконденсат аралашмасини углеводород буғлари билан жадал иситиш имконини берувчи қобиқ-қувурли иссиқлик алмашгичнинг пастки қувурлар панжараси қия ишланган конструкцияси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қувурли аппаратларда углеводород буғларини конденсациялаш жараёнини жадаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

углеводородли иссиқлик ташувчилар ёрдамида нефтегазоконденсат хомашёсини иситиш учун мўлжалланган қобиқ-қувурли иссиқлик алмашиниш қурилмаси «Ўзбеккимёмаш заводи» АЖнинг “2021-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Ўзбеккимёмаш заводи» АЖнинг 2020 йил 12 ноябридаги 44-794-сонли маълумотномаси). Натижада технологик самарадорликни 12÷18 % га ошириш имконини берган;

ИОНХ-1 маркали тузсизлантирувчи янги ингибиторлардан И12-ФА-Т027 -“Иссиқлик энергоагрегат тизимлари учун сув тайёрлаш жараёнининг технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” инновацион лойиҳасида оқова сувларни тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 17 ноябрдаги 4/1255-2548-сонли маълумотномаси). Натижада, трубкали қурилмаларнинг сув айланиш тизимида иссиқлик алмашиниш жараёнини жадаллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп эттириш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола 6 та хорижий ва 5 та республика журналларида чоп этилган ва 1 та фойдали моделга Ўзбекистон Республикаси ИМА патенти (№ FAR 00991) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 103 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотни Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларни ишончлилиги асосланиб, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертацияни тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефтни қайта ишлашда буғларни конденсациялаш жараёнида иссиқлик алмашиниш назарияси ва амалиёти асослари**» деб номланган биринчи бобида нефтни қайта ишлаш технологиясида буғларни конденсацияланиши пайтидаги иссиқлик алмашиниш жараёнлари назарияси ва амалиёти батафсил кўриб чиқилган, нефтни қайта ишлаш заводларида (НҚИЗ) қўлланиладиган турлича типдаги қобик-қувурли қурилмаларнинг конструктив хусусиятлари ва уларда конденсация жараёнини жадаллаштириш усуллари таҳлил этилган. Илмий-техник адабиётларда келтирилган материаллар таҳлили натижалари бўйича тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Фракциялар буғлари ва дистиллятларининг физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссаларини ҳисоблаш-тажриба йўли билан аниқлаш**» деб номланган иккинчи бобида иссиқлик ташувчилар - бензин ва сув буғларининг асосий физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссаларини 20-200°C ҳароратларда аниқлаш ва ўлчаш услублари келтирилган.

Бензин намуналарининг зичлигини ва кинематик қовушқоқлигини



1 - зичлик; 2 - кинематик қовушқоқлик

1-расм. Газконденсат зичлиги ρ ва қовушқоқлигини ν ҳароратга боғлиқ ўзгариши

ўлчашлар тажриба стенди термостатидаги сувнинг қайнаш ҳарорати 20÷98 °C билан чегараланди. Мазкур ҳарорат диапазонида бензин зичлиги $\rho = 759 \div 635$ кг/м³, унинг қовушқоқлиги эса $\nu = 1,0 \div 0,24$ мм²/с бўлади.

100°C дан юқори ҳароратларда бензин зичлиги ва қовушқоқлиги қийматларининг ўзгариши ҳисоблаш йўли билан ўрганилди. 1-расмдан кўринадикки, 20÷180°C чегарада ҳароратни

кўтарилиши натижасида бензинни тажрибалардаги аналогни бўлган газ конденсатининг зичлиги $700 \div 600,5 \text{ кг/м}^3$ ораликда қия чизик 1 бўйича 1,17 мартага пасаяди.

$20 \div 100^\circ\text{C}$ ҳароратларда газ конденсатининг кинематик қовушқоқлиги $\nu = 1,03 \div 0,24 \text{ мм}^2/\text{с}$ оралиғида 4,3 мартага кескин камаяди, 100°C дан юқори ҳароратларда эса қовушқоқликнинг пасайиш суръати 2 ($0,21$ дан $0,017 \text{ мм}^2/\text{с}$ гача) бир текисда бўлади. Умуман, $20 \div 180^\circ\text{C}$ оралиғида газ конденсатининг кинематик қовушқоқлиги қиймати 60,5 марта пасаяди.

Нефт маҳсулотлари буғларини иссиқлик сиғими нафақат уларнинг кимёвий таркиби ва ҳароратига, балки қурилмадаги босимга ҳам боғлиқ бўлади. Тавсифловчи омил $K_n = 11,897$ ва нисбий зичлик $\rho_{15}^{15} = 0,7667$ қийматларини эътиборга олиб, бензин буғларининг солиштирма массавий иссиқлик сиғими Балке ва Кей формуласи бўйича ҳисобланди (1-жадвал) ва $20 \div 200^\circ\text{C}$ ораликда $2,06$ дан $2,97 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ гача қия чизик бўйича ортиб бориши аниқланди.

1-жадвал

Бензин фракциясининг $20 \div 200^\circ\text{C}$ ҳароратлардаги иссиқлик сиғими

$t, ^\circ\text{C}$	20	30	40	50	60	70	80	90	100
$C, \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$	2,05	2,10	2,15	2,20	2,25	2,30	2,35	2,40	2,45
$t, ^\circ\text{C}$	110	120	130	140	150	160	170	180	200
$C, \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$	2,50	2,55	2,60	2,65	2,70	2,75	2,80	2,85	2,97

Бензин фракциясининг буғланиш иссиқлиги r (кЖ/кг) Крег формуласи бўйича аниқланди. 2-жадвалдан кўринадики, ҳароратни $20 \div 200^\circ\text{C}$ да ортиши билан бензин ва унинг буғлари учун r қиймати мунтазам камайиб боради.

2-жадвал

Бензин фракцияси ва буғларининг $40 \div 180^\circ\text{C}$ даги буғланиш иссиқлиги


$t, ^\circ\text{C}$	Молекуляр массаси, M	Бензинни буғланиш иссиқлиги $r, \text{ кЖ}/\text{кг}$		
		суюқлик фазасида	буғ фазасида	суюқлик фазасида
40	73,93	359,190	399,619	446,460
60	81,88	347,119	380,710	445,477
80	90,69	334,120	363,263	444,494
100	90,69	334,120	363,263	444,494
110	100,36	320,765	347,166	443,511
120	110,87	307,450	332,307	442,528
130	116,45	300,895	325,306	442,036
140	122,25	294,441	318,573	441,545
150	128,25	288,106	312,095	441,053
160	134,47	281,904	305,860	440,562
170	140,91	275,846	299,857	440,070
180	147,55	269,939	294,073	439,579

Бензин фракциясининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти λ қийматлари Крег формуласи бўйича ҳисобланди. 3-жадвалдаги маълумотлар $20 \div 180^\circ\text{C}$ чегарада бензиннинг иссиқлик ўтказувчанлиги $0,16222$ дан $0,15054 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$ гача (1,07 марта) камайиб боришини кўрсатади.

**Бензин фракцияси дистиллятининг 20÷180°C ҳароратлардаги
иссиқлик ўтказувчанлиги λ (Вт/м К)**


$t, ^\circ\text{C}$	20	30	40	50	60	70
$\lambda, \text{Вт}/(\text{мК})$	0,16222	0,16148	0,16076	0,15966	0,15937	0,15871
$t, ^\circ\text{C}$	80	90	100	110	120	130
$\lambda, \text{Вт}/(\text{мК})$	0,15806	0,15743	0,15681	0,15621	0,15563	0,15506
$t, ^\circ\text{C}$	140	150	160	170	180	
$\lambda, \text{Вт}/(\text{мК})$	0,15451	0,15396	0,15344	0,15292	0,15242	

Диссертациянинг «Қобик-қувурли қурилмаларда углеводород буғларини конденсациялаш жараёнини жадаллаштириш» деб номланган



2-расм. Буғларни конденсациялаш жараёнини тадқиқ этиш ускунаси схемаси

1 - газ горелкаси; 2 - буғ генератори; 3 - манометр; 4 - туташув қувури; 5 - ҳаво чиқариш вентили; 6 - қувурли конденсатор; 7 - совуқ сув ўлчагичи; 8 - ростловчи вентиль; 9 - конденсат йиғиш учун ўлчовчи идиш



3 расм. Буғ генераторидаги сув 1 ва бензин буғлари 2 босимини вақт бўйича ўзгариши


учинчи бобида углеводород ва сув буғларининг конденсацияланиши пайтида иссиқлик алмашинувини ўрганиш бўйича тажрибалар натижалари келтирилган. Тажриба ускунасида (2-расм) сув ва бензин буғларини совуқ сув оқими билан конденсациялаш ҳамда нефт ва нефтегазо-конденсат аралашмасини конденсацияланаётган бензин буғлари иссиқлиги билан қиздириш жараёнлари ўрганилди.

Тажрибалар мобайнида бензин ёки сув буғидан қиздирувчи агент сифатида фойдаланилганда ускунанинг ишчи режимга чиқиш вақтини қиёсий баҳолаш, яъни тизимдаги босим 250 кПа га қадар кўтарилганда буғ ҳосил бўлиш жараёни динамикаси ўрганилди.

3-расмда ускуна буғ генераторидаги сув буғи 1 (назорат) ва бензин буғлари 2 босимининг ўзгариш суръати тасвирланган. Тажрибаларда генераторнинг бир хилдаги иссиқлик унумдорлигида бензин


буғлари босими сув буғи босимига нисбатан юқорироқ бўлиши аниқланган.

Тажрибалар 40÷250 кПа босимларда таққосланаётган иссиқлик ташувчиларнинг буғ босимлари ўртасидаги фарқ 20÷60 кПа оралиғида бўлишини кўрсатди. Бу пайтда бензин буғларидан қиздирувчи агент сифатида фойдаланилганда ускунанинг ишчи режимга чиқиш вақти сув буғи қўлланилган ҳолатга нисбатан 10÷30 минутга қисқаради.



4-расм. Бензин буғларининг конденсацияланиш ҳароратини тажриба ускунаси узунлиги бўйлаб ўзгариши

4-расмда 50÷250 кПа босимларда сув буғининг конденсацияланиш ҳароратини t ускуна узунлиги L бўйлаб ўзгариши кўрсатилган. Графиклардан кўринадики, қурилма қобиғини биринчи қисмида сув буғининг конденсацияланиш ҳарорати 35÷55°C гача жадал пасаяди 1. Графикка кўра, қурилманинг ушбу участкаси (1 м) буғни фаол конденсацияланиш зонаси бўлиб, унинг иккинчи қисмида конденсат аста-секинлик билан 20÷27°C гача совийди.



5-расм. Сув 1 ва бензин 2 буғлари конденсати ҳажмини вақт бўйича ўзгариши

Тажриба маълумотларини таққослаш системадаги босимнинг бир хил қийматларида бензин буғларининг конденсацияланиш ҳарорати сув буғиникига нисбатан юқорироқ бўлишини кўрсатди. 50 кПа босимда иссиқлик ташувчилар буғларини конденсацияланиш ҳарорати қийматлари ўртасидаги фарқ 7°C, 250 кПа босимда эса 20°C бўлади.

5-расмда 250 кПа босим остида ҳосил бўлаётган сув буғи 1 ва бензин буғлари 2 конденсатлари ҳажмини V (л) вақт τ (мин) бўйича ўлчаш натижалари тасвирланган. 2 эгри чизиқнинг кўтарилиш тиклиги бензин буғларини қурилмада конденсацияланиш жараёни сув буғининг конденсацияланишига нисбатан анча жадал кечишини тасдиқлайди. Расм чизиқларини таққослаб, ҳосил бўлган бензин буғлари конденсатининг ҳажми сув буғи билан ўтказилган тажрибалардагидан 5÷6 марта кўплигини кўриш мумкин. Бу ҳолат углеводород буғларининг конденсацияланиш иссиқлиги сув буғини конденсацияланиш иссиқлигидан сезиларли даражада кичиклиги билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида тажриба қурилмаси иш унумдорлигини 5 мартадан кўп ортишига олиб келди.

Ёнилғи фракциялари нефтни бирламчи ҳайдаш ускунасининг ректификация колоннасида $100\div 350^{\circ}\text{C}$ ҳароратларда чиқарилишини эътиборга олиб, қуйидаги 4-жадвалда енгил фракциялар буғларининг конденсацияланиш иссиқлигини ҳисоблаш натижалари келтирилди.

4- жадвал

Сув ва углеводород хомашёси буғларининг конденсацияланиш иссиқлиги

Ҳарорат, $t, ^{\circ}\text{C}$	Тавсифловчи фактор, K	Фракцияларни молекуляр массаси, M	Буғларни конденсация- ланиш иссиқлиги, кЖ/кг		$r_{\text{вп}}/r_{\text{уп}}$ ўртача қиймати
			сув $r_{\text{вп}}$	бензин $r_{\text{уп}}$	
50	10,87	72,9	2380	302,3	7,8
100	11,41	98,1	2260	278,0	
100	11,41	98,1	2260	278,0	
150	11,90	129,6	2120	253,4	
200	12,35	168,3	1945	228,9	
250	12,77	214,6	1710	204,4	
300	13,16	275,6	1384	179,8	
350	13,53	347,0	881,2	155,3	

4-жадвалдан кўринадикки, ҳароратни кўтарилиши билан иссиқлик ташувчилар буғларининг конденсацияланиш иссиқлиги пасаяди. 250°C дан юқори ҳароратларда бу айниқса бензин буғлари учун сезиларли аҳамиятга эга. $50\div 350^{\circ}\text{C}$ ҳароратлар чегарасида $r_{\text{вп}}/r_{\text{уп}}$ нисбатининг ўртача қиймати 7,8 бўлади.



Расм 6. Сув ва бензин буғлари конденсацияланиш иссиқликлари нисбатини $r_{\text{вп}}/r_{\text{уп}}$ ҳароратга t боғлиқ ўзгариши

6-расмда ўрганилаётган иссиқлик ташувчилар $r_{\text{вп}}/r_{\text{уп}}$ нисбатини ҳароратдан боғлиқ ўзгариш характери кўрсатилган. Кўриниб турибдики, ҳароратни 200°C гача кўтарилиши билан $r_{\text{вп}}/r_{\text{уп}}$ нисбати деярли тўғри чизик бўйича ортиб боради ва 200°C да максимал қиймати 8,5 га тенг бўлади. Келгусида, жараён ҳароратини кўтарилиши билан $r_{\text{вп}}/r_{\text{уп}}$ нисбат қиймати парабolik қонуният бўйича кескин камаяди. Ушбу ҳолат конденсацияланиш иссиқлиги эффектидан фойдаланиш қурилмадаги ҳарорат ва босимнинг қатъий белгиланган чегараларида (масалан, $P= 250$ кПа ва $t = 200\div 250^{\circ}\text{C}$)

сезиларли бўлишини кўрсатади.

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижалари ректификация колоннасида чиқарилиб конденсацияланаётган енгил фракциялар буғларидан нефтегазоконденсат аралашмасини қиздириш учун самарали фойдаланиш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Нефтни қувурли қурилмада қиздириш пайтида конденсацияланаётган бензин буғлари намлигининг иссиқлик бериш самарадорлигига таъсирини ўрганиш бўйича ҳам тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар 200 кПа босим остида, бензин буғларининг намлиги $x = 0, 1,5, 2,5$ ва $3,5$ % (ҳажм.) бўлганда, суюқ углеводородларни ҳайдаш жараёни учун сув буғи сарфини аниқлаш бўйича мавжуд тавсиялар асосида ўтказилди.

Тажриба қурилмасида турлича намликдаги газ конденсати (ўз табиатига кўра бензин фракциясининг аналоги) буғлари билан нефтни қиздириш бўйича тўртта серияда синовлар ўтказилди: 1-серия, намлик $x=0$, нефтни бошланғич ҳарорати $t_{н1} = 44^{\circ}\text{C}$, қиздирилган нефт ҳарорати $t_{н2}=109^{\circ}\text{C}$; буғни конденсацияланиш ҳарорати $t_{гк1}= 123^{\circ}\text{C}$, конденсаторда совутилган буғ ҳарорати $t_{гк2}= 80^{\circ}\text{C}$; 2-серия $x=1,5$ %, $t_{н1}= 31^{\circ}\text{C}$, $t_{н2}= 77^{\circ}\text{C}$; $t_{гк1}= 108^{\circ}\text{C}$, $t_{гк2}= 62^{\circ}\text{C}$; 3- серия $x=2,5$ %, $t_{н1}= 35^{\circ}\text{C}$, $t_{н2}= 76^{\circ}\text{C}$; $t_{гк1}= 106^{\circ}\text{C}$, $t_{гк2}= 49^{\circ}\text{C}$; 4- серия $x=3,5$ %, $t_{н1}= 41^{\circ}\text{C}$, $t_{н2}= 78^{\circ}\text{C}$; $t_{гк1}= 110^{\circ}\text{C}$, $t_{гк2}= 44^{\circ}\text{C}$.


Тажриба натижаларини қайта ишлаш асосида буғдан қурилма қувури деворига иссиқлик бериш коэффиценти α_1 қийматини қурилманинг узунлиги бўйича ўзгариши таҳлил этилди. Тажриба натижалари бензин буғлари намлигининг ортиши билан қурилма қувурлари оралиғидаги бўшлиқ узунлиги бўйлаб α_1 коэффиценти қиймати пасайишини кўрсатди. Ушбу коэффицентнинг максимал қиймати $\alpha_1= 75$ Вт/(м².К) нефтни қуруқ буғ билан қиздириш тажрибасида кузатилди ($x = 0$). Буғ намлигининг келгусида 1,5 дан 3,5 % гача ортиши α_1 коэффиценти қийматини 73,5 Вт/(м². К) гача камайтириши аниқланди.

Юқорида келтирилган шароитларда нефтни турлича намликдаги бензин буғлари билан қиздириш жараёнида қувур деворидан суюқликка иссиқлик бериш коэффицентининг α_2 энг юқори қиймати $\alpha_2= 56,5$ Вт/(м².К) қуруқ бензин буғларидан фойдаланилган тажриба вариантыда ($x = 0$) кузатилди. Ушбу ҳолатда бензин буғлари намлигининг 3,5 % гача ортиши α_2 коэффицентини 51 Вт/(м².К) гача камайишига олиб келади.

Демак, бензин фракцияси дистиллятларининг сувсизлантилган буғлари нефт хомашёларини иситишда қиздирувчи агент сифатида самарали қўлланилиши мумкин.

7-расмда тажрибавий горизонтал конденсаторда α_1 коэффицентини конденсатнинг ўртача ҳароратидан $t_{кн.ср}$ боғлиқ ўзгариши тасвирланган.


Расмдан кўринадик, $t_{кн.ср}$ қийматини 59 дан 63^oC гача ортиши билан конденсаторнинг ушбу зонасидаги α_1 коэффиценти 4882 дан 5678 Вт/(м². К)



7-расм. Горизонтал қурилмада α_1 коэффицентини конденсат ҳароратидан $t_{гк.ср}$ боғлиқ ўзгариши

гача 1,16 марта ортади. Ушбу ҳароратлар чегарасида $t_{\text{кн.ср}}$ қиймати 1°C га кўтарилганда горизонтал қувурли конденсаторда α_1 коэффициентини ўртача $199 \text{ Вт}/(\text{м}^2\text{C})$ га ортади.

8-расмда тажрибавий вертикал кондансаторнинг қувурлари оралиғида бензин буғларини конденсациялаш жараёнида α_1 коэффициентини конденсат ҳароратидан $t_{\text{кн.ср}}$ боғлиқлиги келтирилган. Расмдан кўринадики, конденсат



8-расм. Вертикал конденсаторда α_1 коэффициентини конденсат ҳароратидан $t_{\text{кн.ср}}$ боғлиқ ўзгариши

ҳароратини $t_{\text{кн.ср}}$ $63\div 70^\circ\text{C}$ чегарада кўтарилиши α_1 коэффициентини қийматини 325 дан 586 $\text{Вт}/(\text{м}^2\text{C})$ гача ортишига олиб келади, бу эса қурилмада иссиқлик бериш интенсивлигини 1,8 марта ортишига тенг бўлади. Расмдаги $\alpha_1 = f(t_{\text{кн.ср}})$ боғлиқлик характери қурилма корпусида иссиқлик бериш коэффициентини α_1 кескин, буғни

конденсацияланиш жараёнига хос тарзда, деярлик кўтарилишини кўрсатади. Бу пайтда

вертикал конденсатор кожухидаги конденсат ҳароратини $t_{\text{кн.ср}}$ 1°C га кўтарилиши α_1 коэффициентининг ўсиш суръатини ўртача $37,3 \text{ Вт}/(\text{м}^2\text{C})$ га оширади.

Шундай қилиб, тажрибавий горизонтал қобик-қувурли қурилмада бензин буғларини конденсацияланиши пайтида иссиқлик бериш коэффициентини α_1 қиймати худди шундай типдаги вертикал қурилмага нисбатан ўртача 9,7 марта юқори. Бироқ, вертикал қурилмада α_1 коэффициентининг нисбий ўсиши горизонтал қурилмага нисбатан 55,2 % юқори. Вертикал конденсаторда α_1 коэффициентини нисбатан юқори ўсиши буғни конденсацияланиш шароитини жараёнга кўрсатадиган таъсири, хусусан, қувурлар қуйи қисмини тўпланган конденсат қатламида ботиб турмаслиги билан изоҳланади.

Нефтни конденсацияланаётган бензин буғлари билан қиздириш жараёнининг жадаллаштириш даражаси j тажрибаларнинг аниқ шароитлари учун ҳисобланган иссиқлик узатиш коэффициенти K_i қийматларини таққослаш йўли билан белгиланди:

$$j_k = [(K_1 - K_2) / K_1] \cdot 100\% \quad (1)$$

Қуйидаги 5-жадвалда нефтни бензин буғлари билан қиздириш бўйича ўтказилган тажрибалар туркумидан биттасининг натижалари бўйича ҳисобланган иссиқлик бериш α ва узатиш K коэффициентларининг ўртача қийматлари асосида жараённинг самарадорлик даражасини аниқлаш натижаси келтирилган.

Тажрибавий ва саноат иссиқлик алмашгичларида нефтни углеводород буғлари билан қиздириш самарадорлиги

Технологик жараён	Иссиқлик ташувчи ҳарорати, °С				Иссиқлик бериш ва узатиш коэффициентлари, Вт/(м ² ·К)		
	$t_{н1}$	$t_{н2}$	$t_{пар}$	$t_{кон}$	α_1	α_2	K
нефтни бензин буғлари билан иситиштажрибасида	103	119	160	110	107,3	293,4	78,6
- саноат қурилмаларида							15-70 (ўртача 43)
Жараённи самарадорлиги	$j_K = [(K_1 - K_2)/K_1] \cdot 100\% = [(78,6 - 45)/78,6] \cdot 100\% = 42,75\%$						

Кўришиб турибдики, ушбу ҳолатда нефтни конденсацияланаётган бензин фракцияси буғлари иссиқлигидан фойдаланиб қиздириш жараёнининг самарадорлик даражаси 43 % ни ташкил этади.

Диссертациянинг «НҚИЗ шароитида углеводород буғларини конденсациялаш жараёнини жадаллаштиришнинг техник-иқтисодий асослари» деб номланган тўртинчи бобида нефтегазоконденсат аралашмасига иссиқлик ишлови бериб, уни ҳайдашга тайёрлаш технологик босқичи баёни ва Бухоро НҚИЗ нефтни бирламчи ҳайдаш ускунаси технологик ҳисобларининг асосий натижалари келтирилган.


Нефтни ҳайдаш ускунаси таркибига (9-расм) асосан ишчи аралашмани қайноқ технологик оқимлар иссиқлиги билан иситувчи учта тизимдаги иссиқлик алмашиниш қурилмалари, аралашмани буғлаткич, уни бирламчи тарзда фракцияларга ажратиш колоннаси 10C01, атмосфера босими остида ҳайдовчи ректификация колоннаси 10C02 (ёнилғи фракцияларини сув буғи

билан буғлатиш учун учта

стрип-пинг-секциялари билан), иситилган аралашмани қиздирувчи змеевикли печь, фракциялар дистиллятларини ҳаво ва сув билан совутиш қурилмалари ҳамда технологик насослар киритилган.

Ҳайдаш колоннасида оғир нафта (85-180°C), керосин (150-250°C, 145-300°C, 80-310°C, 110-310°C), енгил (160-250°C) ва оғир (240-360°C) газойл фракциялари ҳамда мазут

(≥360°C) ишлаб чиқарилади. Ушбунини эътиборга олиб, маҳсулот ишлаб чиқариш технологик регламентига биноан, атмосфера босими остида ҳайдаш колоннасининг моддий баланси (6-жадвал) ҳисоблари бажарилди. Усқунанинг ишчи аралашма бўйича эксплуатациявий иш унумдорлиги -



9-расм. Бухоро НҚИЗ нефтегазоконденсат аралашмасини бирламчи ҳайдаш колоннасининг технологик тизими

105508,3 кг/соат (137,385 м³/соат), бир йилдаги иш кунлари сони $T = 340$ сутка.

6-жадвал

Атмосфера босими остида ҳайдаш колоннасининг моддий баланси

Оқимлар	Белги-ланиши	Чиқиши, % (масс.)		Миқдори, кг/соат	
		хомашёга нисбатан	ишчи аралашмага нисбатан	лойиха бўйича	амалда
Келиш:					
Нефтегазоконденсат аралашмаси (йўқотилишлар билан)	L_0	91,59	100,0	280607	105508
Сарф:					
Бензинфракцияси	D_2	53,733	58,667	164622	61898
Керосин фракцияси	R_4	13,433	14,667	41156	15475
Енгил газойл фракцияси	R_3	10,38	11,333	31801	11957
Оғир газойл фракцияси	R_2	6,106	6,667	18708	7034
Мазут	R_1	7,938	8,667	24320	9144
Хаммаси		91,59	100,0	280607	105508

6-жадвал маълумотлари асосида 10С02 атмосфера колоннасининг юқорисидан чиқарилаётган оғир нафта буғларини конденсацияланиши пайтида 30%Н+70%ГК нефтегазоконденсат аралашмасини иситиш жараёнининг моддий ва иссиқлик баланси ҳисоблари ҳамда аралашманинг енгил фракциялари буғлари учун саноат конденсаторини лойихалаш ҳисоблари бажарилди.

Вертикал қувурли қурилмаларнинг технологик самарадорлигини ошириш ва уларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг оддий ва самарали усулларида бири қувурлар оралиғидаги бўшлиқдан конденсатни тезкор чиқариб юборишдир ва бунга қувурлар қуйи панжарасини қия тарзда жойлаштириш йўли билан эришилди.

Қурилманинг физик моделида қувурлар оралиғидаги бўшлиқдан конденсатни оқиб чиқиш вақти аниқланиб, буғни конденсацияланиш пайтида иссиқлик алмашинувини 12÷18 % га жадаллаштириш имконияти мавжудлиги аниқланди.


Тажрибалар натижаларига кўра, фракциялар буғларини қувурлар ташқи юзасида конденсацияланиши пайтида нефт хомашёсини иситиш учун мўлжалланган, конденсациялаш самарадорлиги юқори бўлган вертикал қобик-қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди (10-расм). Тавсия этилган қурилма ўхшаш типдаги мавжуд қурилмалардан ишчи қувурларнинг қуйи панжараси 45° дан ортиқ бўлмаган бурчак остида корпусга пайвандланадиган қия эллиптик диск кўришида ишланганлиги билан фарқ қилади.

Таклиф этилган қурилма, ўхшаш типдаги горизонтал ясси қувур панжарали мавжуд қурилмаларга нисбатан катта хажмда тўпланадиган конденсат қатламида қувурларнинг қуйи участкаларини ботиб турмаслиги (енгил конденсацияланадиган фракция буғлари билан ишлаганда бу катта аҳамиятга эга бўлади), буғнинг самарали конденсацияланиш баландлигининг узунлиги, буғни конденсацияланиши пайтида ИМА жараёнларини кечиш шароитлари яхшиланганлиги, трубкалар ўрамининг гидравлик қаршилигини

кичиклиги, буғ томонидан иссиқлик бериш жараёни жадаллаштирилганлиги ва жадал ишлатиш режимларида курилманинг технологик самарадорлиги юқорилиги қаби афзалликларга эга бўлади.

Қиздирилаётган аралашма хоссалари ва жараённинг технологик параметрларини ҳисобга олган ҳолда нефтгазоконденсат аралашмасининг энгил фракциялари буғларини конденсациялаш жараёни ва апаратини ҳисоблашнинг аниқлаштирилган услуби ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган қобик-қувурли саноат конденсаторининг технологик, конструктив ва гидравлик параметрларининг рационал қийматлари аниқланди (7-жадвал).

1 - цилиндрик корпус; 2 - иссиқлик алмашилиш қувурлари; 3 - буғ узатиш патрубкеси; 4, 10 - қопқоқ; 5 - қиздирилган суюқликни чиқариш патрубкеси; 6 - юқори қувур панжараси; 7- газларни чиқариш патрубкеси; 8 - қуйи эллиптик панжара; 9 - конденсат чиқариш патрубкеси; 11 - дренаж патрубкеси; 12-совуқ суюқликни узатиш патрубкеси.



Расм 10. Қобик-найча апаратининг схемаси

7-жадвал

Тавсия этилаётган қобик-қувурли саноат конденсаторининг конструктив-технологик параметрлари

№ п.п	Кўрсаткичларнинг номланиши	Белги-ланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
1	Иссиқлик юқламаси	Q	кВт	5011,2
2	Қиздириш юзаси	F	м ²	220,8
3	Қувурлар диаметри	$d_{вн}/d_{нр}$	мм	20/25
4	Битта қувур узунлиги	l	мм	6000
5	Қувурлар сони			521
6	Қобикнинг ички диаметри	$D_{вн}$	мм	1000
7	Қайноқ иссиқлик ташувчи оқими (углеводород буғлари):			
	- массавий сарфи	$V_{хв}$	кг/соат	61898
	- ҳарорат, бошланғич/охирги	t_1/t_2	°С	165/152
8	Совутувчи агент (нефтгазоконденсат аралашмаси):			
	- сарфи	$V_{гв}$	м ³ /соат	137,385
	- ҳарорат, бошланғич/охирги	t_{61}/t_{62}	°С	49/96
9	Иссиқлик узатиш оэффиценти	K	Вт/(м ² К)	275
10	Қувурлар бўшлиғининг гидравлик қаршилиги	ΔP	кПа	295
11	Насоснинг истеъмол қуввати	N	кВт	17

Бухоро НҚИЗ шароитида углеводород буғларини қувурли курилмада конденсациялаш пайтида иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (млн сўм) ҳайдаш жараёнида сув буғи ўрнига оғир нафта буғларидан фойдаланиш натижасида қўшимча тарзда маҳсулот ишлаб

чиқарилиши (оғир нафта, $K_v = 3,27\%$, 1701,5), иссиқлик алмашгич-конденсатор иссиқлик самарадорлигини ортиши (2635,88), янги қурилмани тайёрлашда металл сарфини қисқариши (2256 кг, 5,8) ва қурилмада буғларни конденсациялаш жараёнини жадаллаштириш ($K_Q = 23,26\%$) асосида аралашмани оғир нафта буғлари билан қиздириш пайтида иссиқлик сарфини қисқариши (2635,88) натижасида эришиладиган самаралар мажмуидан иборат бўлиб, йилига 4546,23 млн сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Бензин фракциясининг $20\div 180^\circ\text{C}$ ҳароратлардаги асосий хосса кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари ўрнатилди: зичлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$) суюқлик ҳолатида $759\div 635$ ва буғ фазасида $1.0\div 1.14$ (0.3 МПа); қовушқоқлиги $1.0\div 0.1$ $\text{мм}^2/\text{с}$ суюқлик фазасида ва буғ ҳолатида эса - $\mu_6 = (7.8\div 13)\cdot 10^{-6}$ $\text{Па}\cdot\text{с}$, $\nu_6 = (7.8\div 11.6)\cdot 10^{-6}$ $\text{м}^2/\text{с}$; иссиқлик сиғими - $2.05\div 2.96$ $\text{кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$; буғланиш (конденсацияланиш) иссиқлиги - $359.2\div 198.6$ $\text{кЖ}/\text{кг}$; энтальпияси ($40\text{-}180^\circ\text{C}$) суюқлик - $40\div 464$ $\text{кЖ}/\text{кг}$ ва буғ ҳолатида $401\div 741$ $\text{кЖ}/\text{кг}$; иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти - $0.16222\div 0.15054$ $\text{Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$.

2. Сув ва нефт фракциялари буғларининг конденсацияланиш иссиқликлари нисбати углеводород буғларини конденсацияланиш жараёнида иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг технологик асоси эканлиги кўрсатилди. 250 кПа ва $200\div 250^\circ\text{C}$ чегараларда бензин фракцияси буғларини конденсациялаш жараёнида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш даражаси $7,8$ эканлиги белгиланди.

3. $50\div 250$ кПа босимларда бензин буғларини конденсацияланиш ҳароратини тажриба қурилмасининг қувурлари узунлиги бўйлаб тақсимланиш характерига асосланиб, конденсаторларнинг рационал иссиқлик узатиш юзасини аниқлаш методикаси тавсия этилди; буғ сарфини ортиши билан вертикал конденсаторнинг иссиқлик самарадорлиги $12,1\%$ га ортиши аниқланган.

4. Конденсацияланаётган бензин фракцияси буғлари иссиқлиги билан нефтни қиздириш интенсивлиги, жараён параметрларидан келиб чиқиб, 43% ни ташкил этиши аниқланди.

5. Хомашёни углеводород буғларининг конденсацияланиши яхшиланган шароитларда қиздириш учун пастки қувурлар панжараси қия ишланган қобик-қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмасининг интенсив конструкцияси ишлаб чиқилган.

6. Оғир нафта буғларини конденсациялаш учун Бухоро НҚИЗ 10Е03 таянч иссиқлик алмашгич-конденсаторига нисбатан $37,4\%$ самарали қобик-қувурли конденсаторнинг асосий конструктив-технологик параметрлари аниқланган.

7. БНПЗ шароитида конденсацияланаётган оғир нафта буғлари иссиқлиги билан $30\%Н+70\%ГК$ аралашмасини қиздириш жараёнини жадаллаштириш услубини ишлаб чиқаришга жорий этишдан қутиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик $4546,23$ млн сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ШАРИПОВ КОЗИМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ

**ИНТЕНСИФИКАЦИЯ ПРОЦЕССА КОНДЕНСАЦИИ
УГЛЕВОДОРОДНЫХ ПАРОВ В ТРУБЧАТЫХ АППАРАТАХ**

02.00.08 – Химия и технология нефти и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T1912.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Худайбердиев Абсалом Абдурасулович
доктор технических наук, с.н.с.

Официальные оппоненты: Рахмонов Тойир Зойирович
доктор технических наук, доцент

Жумаев Каюм Каримович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится «10» сентября 2022 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте. (Адрес: 200117, г. Бухара, ул.К.Муртазаева, дом 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (99865) 223-78-84, E-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за №363, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 200117, г.Бухара, ул.К.Муртазаева, дом 15. Тел.: (+99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан «19» февраля 2022 года
(реестр протокола рассылки №4 от «31» января 2022 года)



Н.Р. Баракаев
Председатель научного совета по
присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени д.т.н., ст.науч.сот.

Ш.М. Ходжиев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученой степени к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире нефть и природный газ являются основными источниками производства энергии и моторного топлива. Продукты их переработки широко применяются во многих отраслях промышленности, транспорте, энергетике, сельском хозяйстве и в быту. Ввиду ограниченности разведанных объемов этих ресурсов, разработка новых технологий переработки жидких углеводородов, усовершенствование конструкции оборудования нефтеперегонных установок и выработка нефтепродуктов с улучшенными экологическими показателями, соответствующим международным стандартам, является важной задачей.

В мире ведутся обширные научные исследования, направленные на разработку новых, энерго- и ресурсосберегающих технологий глубокой переработки нефтяного сырья и высокоэффективных конструкций аппаратов для нефтеперегонных установок. В этом аспекте особое внимание уделяется совершенствованию процессов перегонки углеводородного сырья, интенсификации энергоемких процессов, в частности процессов тепло- и массообмена (ТМО) при конденсации паров, и разработке компактных конструкций интенсивных теплообменников-конденсаторов с учетом физико-химических и теплофизических свойств углеводородного сырья и его фракций.

В нашей республике большое внимание уделяют научно-практическим исследованиям, направленным на модернизацию нефтегазовой отрасли промышленности. На предприятиях отрасли осуществляются комплекс работ по внедрению инновационных технологий глубокой переработки сырья, расширению ассортимента и увеличению объема производства нефтепродуктов в соответствии с требованиями международных стандартов. Стратегией действий по дальнейшему развитию нашей республики определены задачи по модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, широкого внедрения ресурсо- и энергосберегающих технологий на практике¹. Поэтому повышение обеспечения эффективной работы технологических аппаратов, сокращения расхода энергии и ресурсов в экономике, интенсификации процесса конденсации углеводородных паров в аппаратах переработки сырья нефтегазовой промышленности, широкого внедрения энергосберегающей техники и технологий в производстве приобретает важное научно-практическое значение.

Результаты данного диссертационного исследования в определенной мере служат выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Президента Республики Узбекистан ПП-3238 от 23 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий», ПП-2901 от 19 апреля 2017 года «О совершенствовании порядка организации проектных работ в нефтегазовой отрасли» и ПП-4077 от 25 декабря 2018 года «О мерах по ускорению процесса модернизации производственных мощностей, технического и технологического перевооружения отраслей промышленности» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: VII: Химические технологии и нанотехнологии.

Степень изученности проблемы. Над решением широкого круга научно-технических проблем по совершенствованию технологии, технологических процессов и оборудования для подготовки нефти к переработке, ее тепловой подготовки и перегонки занимались А.И.Александров, А.Н.Плановский, А.И.Скобло, С.А.Ахмедов, О.Ф.Глаголева, В.М.Капустин, А.К.Мановян, Н.Р.Юсупбеков, З. Салимов, Ш.М. Сайдахмедов, Б.Н. Хамидов, И.М. Сайдахмедов, А. Артиков, Ш.М. Гулямов, С.А. Абдурахимов, О.Р. Абдурахмонов, Т.З. Рахмонов, А.А. Худайбердиев и другие.

В результате проведенных ими исследований усовершенствованы технологии переработки жидких углеводородов, развиты теоретические основы технологических процессов, разработаны способы их интенсификации, уточнены методики расчета и проектирования аппаратов, обоснован способ применения альтернативного теплоносителя взамен водяного пара в процессе перегонки нефти и с моделированы процессы ТМО в многокомпонентных жидких системах с последующим внедрением этих разработок в нефтепереработку и в смежные отрасли промышленности.

Вместе с тем, в настоящее время ведутся исследования по разработке энергосберегающей технологии подготовки сырья к перегонке с применением паров топливных фракций, способов интенсификации процессов ТМО при конденсации паров топливных фракций и охлаждения дистиллятов, конденсирования вращающегося потока пара в межтрубном пространстве аппаратов и оптимального проектирования рабочей поверхности теплообменных аппаратов на основе распределения температуры теплоносителей по длине (высоте) труб и др.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии с планами научно-исследовательских работ Института общей и неорганической химии, в рамках прикладного проекта ФА-А13-140 «Разработка энергосберегающей технологии процессов нагревания углеводородного сырья для первичной перегонки путем оптимизации гидродинамических режимов» (2015-2017 гг.).

Целью исследования является интенсификация процесса конденсации углеводородных паров в трубчатых аппаратах нефтепереработки.

Задачи исследования:

выявление предельных значений физико-химических и теплофизических свойств теплоносителей (сырья и дистиллятов фракций) в жидком и паровом фазах при температурах $20\div 180$ °С и давлениях $50\div 250$ кПа;

изучение закономерностей распределения температуры теплоносителей по длине (высоте) труб при конденсации углеводородных и водяных паров в опытном кожухотрубчатом аппарате;

